



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Хайъат раиси

Х.Р.Назиров

«30» декабрь 2021 йил

**Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг
конкурс комиссияси бўйича доимий ҳаракатдаги йиғилиш баённомаси
94 ҚАРОРИ**

Газли шаҳри.

«30» 12 2021 йил

Мажлис раиси: Х.Р.Назиров - Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси директори

Мажлис қатнашчилари: Ғ.Ё.Темиров, Л.Б.Абдурахмонов, Ш.С.Шоимов, Ж.П.Рузметов, Б.К.Қодиров, С.А.Халилов, Ҳ.Д.Собиров, С.Н.Умиров, И.Урунов, Ф.Ф.Ҳамроев, Ж.М.Абдуллаев, Т.Х.Ражабов, У.Ў.Махмудов, З.Ж.Хожиев, А.З.Тойиров, Ш.Ж.Қурбонов

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси томонидан 2022 йил 01 январ кунин Миллий гвардия кўриқлаш хизматининг саф бўлинмаси пости, саф бўлинмасининг мобиль йўналиш пости ҳамда ҳарбийлаштирилган соқчилик пости орқали, ишониб топширилган “ўта муҳим ва тоифаланган” объект ва ундаги мавжуд моддий бойликларни кўриқлаш, толон-тарож қилишга йўл қўймаслик, назорат ўтказиш жойларидан ишчи-ходимлар ҳамда ташриф буюрувчиларни ўрнатилган талаблар асосида кириб-чиқишини ташкиллаштириш хизматини кўрсатиш тўғрисида:

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан бошқарма директорининг умумий масалалар бўйича ўринбосари Л.Абдурахмонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси билан узоқ йиллардан буён самарали ҳамкорликни амалга ошириб келинаётганлиги, бугунги кунга қадар мазкур бошқарма томонидан бажарилган ишлар бўйича раҳбарият ва ишчи-ходимлар томонидан бирон бир эътирозлар билдирилмаганлиги, бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси 684-сонли қарорининг 9-боб 73-моддасида назарда тутилган ягона етказиб берувчилар реестрида мавжуд бўлган Қўриқлаш бошқарма билан шартнома тузиб, Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси тассаруфидаги объектларни Миллий гвардия кўриқлаш хизмати томонидан мунтазам равишда кўриқланиши мақсадга мувофиқ эканлигини,

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Давлат ташкилоти эканлиги ҳамда Газли нефт ва газ казиб чиқариш бошқармаси билан ҳаридлар ва хизматлар кўрсатиш бўйича электрон савдолар платформалари орқали шартномалар расмийлаштириш ҳуқуқига эга эканлиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 август кундаги Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3953 қарорининг 2-бандининг 3- хат бошисига мувофиқ амалга оширилиши таклифни киритди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, доимий ҳаракатдаги конкурс ҳайъати


КАРОР КИЛАДИ:

1. Газли нефт ва газ казиб чиқариш бошқармаси доимий ҳаракатдаги ҳайъат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси томонидан 2022 йил 01 январ куни Миллий гвардия кўриқлаш хизматининг саф бўлини маси пости орқали, мулкни кўриқлаш, кириб-чиқишни назоратга олиш хизматини кўрсатиш тўғрисида бизнинг ташкилотга тақдим қилинган хизмат хати ва ҳисоб симеталарни ўрганиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 05 декабр кундаги № ПП-4544 – сонли қарорида белгиланганлиги сабабли электрон савдолар порталига жойлаштирилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси билан шартнома расмийлаштириш объектларни ҳимоя қилиш ва сафарбарлик ишлари бўлими бошлиғи Ж.Д.Рахимовга, шартноманинг **“харид.узех.уз”** ва **“ИС платформаси”** тизимидан рўйхатдан ўтказилиши харидлар бўлими бошлиғи И.Ўринов зиммасига юклатилсин.
3. Тузилаётган шартноманинг Ўзбекистон Республикасида мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида расмийлаштирилиши бошқарма бош ҳуқуқшуноси Б.К.Қодиров томонидан кўриб чиқилсин.
4. Шартнома талабларининг ўз вақтида бажарилиши объектларни ҳимоя қилиш ва сафарбарлик ишлари бўлими бошлиғи Ж.Д.Рахимов зиммасига юклатилсин.
5. Шартномада белгиланган муддатларда тўловларни амалга оширишни бухгалтерия ҳисоби бўлими катта ҳисобчиси С.А.Халилов, Молия ва Ғазна операцияларни амалга ошириш Департаменти етакчи мутахасиси Х.Д. Собиров юклатилсин.
6. Тузилган шартноманинг ижросини назорат қилиш бошқарма бош муҳандиси Ғ.Ё.Темиров зиммасига юклатилсин.

Мажлис қатнашчилари

Ғ.Ё.Темиров 

Л.Б.Абдурахмонов 

С.Н.Умиров 

Ш.С.Шоимов 

Ж.П.Рузметов 

А.З.Тойиров 

Б.К.Қодиров 


Ф.Ф.Ҳамроев 

С.А.Халилов 


Т.Х.Ражабов 


Ш.Ж.Қурбонов 

Ҳ.Д.Собиров 

У.Ў.Махмудов 

З.Ж.Ҳожиев 

Ж.М.Абдуллаев 

Комиссия котиби  И.Урупов

**Объектни қўриқлаш
ШАРТНОМАСИ**

Бухоро ш.

ЖШ/2997-сон

«01» январ 2022 йил.

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардиясининг буйруғи асосида фаолият юритувчи, Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи **Ш.А.Жумаев** тимсолида бир томондан,

«Ўзбекнефтгаз» АЖ номидан (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) 2022 йил 30 сентябр ги 01-12/2-5 -сонли ишончномага асосланиб фаолият юритувчи Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси бошлиғи _____ **Х.Р.Назиров** тимсолида иккинчи томондан,

биргаликда тарафлар (кейинги ўринларда – Тарафлар) Ижрочи томонидан кўрсатиладиган хизматлар нархлари конун ҳужжатларига мувофиқ катъий белгиланганлигини ва Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.08.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги конунини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3953-сонли қарорини 2-банди а-кичик банди 3-хатбошисига мувофиқ қўриқлаш хизмати кўрсатилиши учун Ижрочи билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳисобга олиб, Шартномани Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 июль кундаги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 555-сонли, 2021 йил 20 февралдаги 4997-сонли ҳамда 2021 йил 16 март кундаги ПҚ-5029-сонли Қарорлари талаблари ижроси юзасидан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1-боб. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1. Ижрочи, Миллий гвардия қўриқлаш хизматининг саф бўлинмаси пости, саф бўлинмасининг мобилъ йўналиш пости ҳамда ҳарбийлаштирилган соқчилик пости орқали, мулкни қўриқлаш, кириб чиқишни назоратга олиш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, **Буюртмачи** эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. УМУМИЙ ШАРТЛАР.

2. Буюртмачи, объектларини қўриқлаш учун қўриқлашга топширади, **Ижрочи** эса объектларни куйидаги тартибда:

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Газли газни қайта ишлаш заводи”ни, Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 6 та 24 соатлик (тоифа билан) ва 1 та 12 соатлик (тоифа билан, ҳар куни соат 08-00 дан 20-00 гача) саф бўлинмаси пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Кулбешкак” газни дастлабки тайёрлаш қурилмасини Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 1 та 24 соатлик саф бўлинмаси пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Суюлтирилган газ сақлаш омбори”ни, Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 1 та 24 соатлик саф бўлинмаси пости ҳамда 4 та 24 соатлик ҳарбийлаштирилган соқчилик пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Суюлтирилган газ сақлаш омбори”га жалб этилган қўриқлаш хизмати нарядларини автотранспорт воситасида алмаштирилиши, Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан икки бирликдан иборат саф бўлинмаси ҳайдовчиси орқали амалга оширади;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Даяхатин-Саватли-Миркомилқудук”гача бўлган ораликдаги газ қувурларини Бухоро вилояти Қўриқлаш



бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 1 та 24 соатлик саф бўлинмасининг мобиль йўналиш пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Даяхатин-Кулбешкак газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси” гача бўлган оралиқдаги газ қувурларини Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 1 та 24 соатлик саф бўлинмасининг мобиль йўналиш пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Кулбешкак газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси-Газли газни қайта ишлаш заводи” гача бўлган оралиқдаги газ қувурларини Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 2 та 24 соатлик саф бўлинмасининг мобиль йўналиш пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Тўмарис” газни дастлабки тайёрлаш қурилмасини Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 1 та 24 соатлик саф бўлинмаси пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Янгиказган” газни дастлабки тайёрлаш қурилмасини Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 1 та 24 соатлик саф бўлинмаси пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Амиробод” нефт қуйиш эстакадасини Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Когон туман Қўриқлаш бўлими томонидан 1 та 24 соатлик ҳамда 1 та 12 соатлик (соат 20-00 дан, 08-00 гача) саф бўлинмаси пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Газли газни қайта ишлаш заводи”дан “Қумли” газни дастлабки тайёрлаш қурилмасигача бўлган оралиқдаги 67 км газ қувурларини Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 4 та 24 соатлик саф бўлинмасининг мобиль йўналиш пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Қумли” газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси асосий йўлидан “Шарқий Сюзма” кони орқали “Чаккакум” конигача бўлган оралиқдаги 16 км газ қувурларини Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 1 та 24 соатлик саф бўлинмасининг мобиль йўналиш пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Ҳаққул” геологик ишларни олиб бориш тармоғидан “Ходжиказган” конигача бўлган оралиқдаги 13 км газ қувурларини Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 1 та 24 соатлик саф бўлинмасининг мобиль йўналиш пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Ходжиказган” конидан “Кулбешкак газни дастлабки тайёрлаш қурилмасигача бўлган оралиқдаги 9,5 км газ қувурларини Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 1 та 24 соатлик саф бўлинмасининг мобиль йўналиш пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Янгиказган” газни дастлабки тайёрлаш қурилмасидан, “Ёрқин” конигача бўлган оралиқдаги 17 км газ қувурларини Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 1 та 24 соатлик саф бўлинмасининг мобиль йўналиш пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Қумли” газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси НЎПни Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 1 та 24 соатлик саф бўлинмаси пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Иссик сув” кўпригидан ўтиб кайтувчи автотранспорт воситалари ва фуқароларни назорат қилиш учун ташкил этилган

НўПни Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 1 та 24 соатлик саф бўлинмаси пости орқали;

- Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Миркомилкудук” газни дастлабки тайёрлаш қурилмасидан, “Тўмарис” қонигача бўлган оралиқдаги 47 км газ қувурларини Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ромитан туман Қўриқлаш бўлими томонидан 4 та 24 соатлик саф бўлинмасининг мобиль йўналиш пости орқали қўриқлашга қабул қилади.

- Ижрочи хизматларни кўрсатиш жараёнида ўзининг балансида бўлган 34 дона ВАЗ-2131 (32 таси хизматни ташкиллаштиришда, 2 таси хизматга жалб этилган шахсий таркиб фаолиятини текширишда ҳамда “Қумли” газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси ва “Иссиқ сув” кўпригида хизматни олиб борадиган ходимларни постини алмаштиришда) ҳамда 1 дона Дамас, жами 35 дона автотранспорт воситаларидан фойдаланади ва уларни ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлайди.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итларидан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, янғитдан қўриққа олинган объектга 30 иш куни ичида саф бўлинмаси пости, саф бўлинмасининг мобиль йўналиш пости ҳамда ҳарбийлаштирилган соқчилик пости турлари йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-боб. ТўЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ.

9. Ушбу Шартнома бўйича Буюртмачи кўрсатиладиган хизматлар учун **Ўзбекистон Республика Молия Вазирлиги ва Ўзбекистон Республика Миллий гвардияси томонидан 2021 йил 13-сентябрь кундаги таърифларга асосан** қуйидагича ҳисобланади:

-пост-соат ҳисобида Ижрочиға ҳар ойда ходимларини иш ҳақи сифатида **1 982 324 157** (бир миллиард тўққиз юз саксон икки миллион уч юз йигирма тўрт минг бир юз эллик етти) сўм ва транспорт хизмати учун **287 727 254** (икки юз саксон етти миллион етти юз йигирма етти минг икки юз эллик тўрт) сўм, бир ойига **2 270 051 411** (икки миллиард икки юз етмиш миллион эллик бир минг тўрт юз ўн бир) сўмни, бир йилда **27 240 616 932** (йигирма етти миллиард икки юз қирқ миллион олти юз ўн олти минг тўққиз юз ўттиз икки) сўмни ташкил этади;

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўмондони томонидан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар учун янги тарифлар тасдиқланганда, ҳисоб-сметалар мазкур тариф асосида қайтадан тузилади.

11. “Буюртмачи” қўриқлаш хизмати учун ойлик тўловни, ижрочи томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан сўнг, навбатдаги ойнинг 5 санасига қадар шартнома умумий суммасининг 100% миқдоридagi пулни «Ижрочи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

Буюртмачи мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган ойлик тўловни ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига ақцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинганда ҳамда ҳар ойнинг якуни билан, **Ижрочи Буюртмачи** билан тўланган тўловлар бўйича, қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур (яъни таққослаш далолатномаси тузилиши).

4-боб. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

12. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этилишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида 2 (икки) нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш. Зарарни қайтариш учун, тергов ёки суд идораларининг ушбу ҳолатлар юзасидан чиқарилган қарорлари асос бўлади.

13. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнгиндан кўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнгин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан 15 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чорақда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнгиндан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 30 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик;

объектни, ёнгиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиши ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнгин манбаларини ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

кўриқланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул

қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаб тезкор хизматларга хабар бериш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошкор қилмаслик (агар объектда кўриқлаш сигнализация воситалари ўрнатилган бўлса);

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш.

14. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички объект режимига риоя қилинишини талаб қилиш;

Мазкур шартномани тузиш, бажариш ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

15. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланаётган ҳудуддаги лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириб-чиқиш ва ички объект режимига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин хавфсизлиги хизмати ва Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнгиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича 2 (икки) нусхада далолатнома тузиш (агар объектда кўриқлаш сигнализация воситалари ўрнатилган бўлса);

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида 1 (бир) марта объектнинг техник жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида 2 (икки) нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида 2 (икки) нусхада далолатнома тузиш ва 1 (бир) нусхасини Буюртмачининг вакилига бериш;

қўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия қўриқлаш хизмати навбатчилик қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия қўриқлаш хизмати вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

5-боб. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

16. Мазкур Шартноманинг 9-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида хизматлар ҳақини тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

17. Ижрочининг ходими постда асосиз равишда бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

18. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

19. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарарнинг тўлик миқдори ёки томонлар ўртасида келишилган миқдори тўланади.

Зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб тасдиқланиши шарт. Зарар миқдори юзасидан низо мавжуд бўлганда томонлар келишувига асосан экспертларни жалб қилиш йўли билан аниқланиши мумкин. Зарарни қайтариш учун, тергов ёки суд идораларининг ушбу ҳолатлар юзасидан чиқарилган қарорлари асос бўлади.

20. Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги томонлар вакилларида иборат комиссия томонидан ўтказилган хизмат текшируви хулосаси ёки келишмовчилик мавжуд бўлган ҳолларда суднинг қарори билан аниқланиши шарт.

21. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлик бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

зарар охириги зарурат ёки зарурий мудофаа оқибатида етказилган тақдирда;

зарар табиий офат натижасида етказилган бўлса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

жиноятчи томонидан қўриқланаётган хона ичида келтирилган зарар учун, агарда бунда жиноятчи ушбу хонага уни ёпилишидан олдин кирган бўлса ва хонани қўриқланмайдиган вақтда тарк этган бўлса;

товар-моддий бойликлар ўғрилик, талончилик ва босқинчилик йўли билан ўғрилган ёки ўзлаштирилган ҳолларда; бунда ушбу ўғрилик Буюртмачининг қўриқлаш сигнализациясини ёкмаганлиги, объектни қўриқлашга топширмаганлиги ёки қўриқлашга сигнализация яхши ишламаганлиги тўғрисида хабар бермаганлиги сабабли содир этилганлиги суриштирув, тергов органлари ёки суд томонидан аниқланганда (агар объектда қўриқлаш сигнализация воситалари ўрнатилган бўлса);

товар-моддий бойликлар ўғрилик ва босқинчилик йўли билан ўғрилган ҳолларда; бунда қўриқланаётган объектларнинг техник жиҳозланганлиги билан боғлиқ камчиликларни Буюртмачи томонидан икки томонлама тузилган кўздан кечириш далолатнома билан белгиланган муддатларда бартараф қилиниши юзасидан мажбуриятлар бажарилмаганида ҳамда ушбу сабаблар ўғрилик содир этилишига олиб келганда;

22. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6-боб. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

23. Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар

икки томоннинг ўзаро келишувига асоан ҳал этилади, агар томонлар келишувга эришмасалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ромитан туманлараро Иқтисодий судида ҳал этилади.

7-боб. ФОРС-МАЖОР.

24. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

25. Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида 2 (икки) кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табiiй ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

26. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор 3 (уч) ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ.

27. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир – бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимларига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларни олдини олиш бўйича чора – тарбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

– Томонлар коррупцияга қарши – қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (65 – 221 – 30 – 11) орқали бир – бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

– Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф – хатар бартараф этилмаса, Томонлар амалга оширилган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

– Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

9-боб. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати куйидагича белгиланади:

2022 йил 1 январь кунидан 31 декабрь кунига қадар амалда бўлади.

Мазкур шартнома тузилгунга қадар, тарафлар ўртасида тузилган барча турдаги шартнома ва қўшимча келишувлар ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

31. Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб

олмагандан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин

32. Буюртмачи мазкур Шартномани муддати тугаганда бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 2 ой олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

33. Кўриқлаш турининг, тўлов шартлари ўзгариши икки томонлама қўшимча келишув билан расмийлаштирилади ва ушбу ҳужжат шартномага илова қилинади.

34. Ижрочи кетма-кет уч марта постда кўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

35. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 9-бандида кўрсатилган тўловни 11-бандда белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

36. Томонлар мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида бир-бирини ўттиз кун олдин ёзма равишда маълум қилади (янгитдан кўриққа олинган объектлар учун шартномани бекор қилиш муддати бундан мустасно).

37. Кўриқлаш хизматларини ташкил этиш муддати ичида Буюртмачи кўриқлаш хизматидан воз кечса, "Кўриқлаш" томонидан штат бирлигини расмийлаштириш ва ажратишга боғлиқ былган харажатларни қоплаш учун Буюртмачи 10 кун муддат ичида кўриқлашнинг ҳисоб рақамига, тақдим этилган ҳисоб фактурага биноан маблағ ўтказади.

38. Тоифаланган объектларнинг постларига ўзгартириш киритиш, кўриқлаш турини ўзгартириш, мазкур объектларнинг кўриқлаш шартномаларини бекор қилиш фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 01 июль кундаги «Ўта муҳим ва тоифаланган объектлар ва махсус ташиладиган юкларни кўриқланишини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади.

39. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

10-боб. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«И Ж Р О Ч И»

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Бухоро вилояти Кўриқлаш
бошқармаси.

2000017, Ўзбекистон Республикаси,
Бухоро шаҳри М.Икбол кўчаси 10-уй
e-mail: _____
тел. +99865221-29-85 факс +99865 221 30 10
х/р 2159 6000 2039 7698 0001 Ўзбекистон
Республикаси Марказий банкнинг Бухоро
вилояти бошқармасида, МФО 00017,
СТИР 202623032

«Б У Ю Р Т М А Ч И»

“O'zbekneftgaz” АЖ

100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент
шаҳар, Истиқбол кўчаси, 21 уй,
e-mail: kans@uzneftgaz.uz / info@ung.uz
тел. +99871 236 02 10, факс +99871 236 77 71
х/р 2021 0000 8001 2433 9001 АТ “СКБ”
Тошкент шаҳар Яшнобода филиалида,
МФО 00432, СТИР 200 837 914,
ИФТК 84111, ОКПО 000 375 17

Бошқарма бошлиғи



Ш.А.Жумаев.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари

Ш.С.Шодиев.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари

Ш.Р.Тешаев.

Бошқарма бош юриконсулти

М.У.Сувонов.

Бошқарма директори



Х.Р.Назиров.

Бошқарма бухгалтерия ҳисоби
бўлими бошлиғи

С.А.Халилов.

Бошқарма ёракчи ҳуқуқшуноси

Б.К.Қодиров.

Газли НКЧБ объектларни ҳимоя қилиш ва
сафарбарлик ишлари бўлими бошлиғи

Ж.Дж.Рахимов.

Handwritten signature in blue ink.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси
Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи



Ш.А.Жумаев

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

"Ўзбекистонгаз" АЖ "Газли нефт ва газ казиб чиқариш"
бошқармаси бошлиғи



Х.Р.Назиров

Газли нефт ва газ казиб чиқариш" бошқармасига қарашли "Қулбешкак" газни даславланган қўриқлаш курилмаси, "Газли газни қайта ишлаш заводи", "Қулбешкак" газни қайта ишлаш заводи, "Даяхатен-Саватли-Миркомил қудуқ", "Даяхатен-Қулбешкак", "Газли газни қайта ишлаш заводи-Қулбешкак" газоконденцат қувурлари ва "Амиробод" нефт қуйиш эстакадаларини қўриқлаш

ХИСОБ - СМЕТАСИ

(2022 йилнинг 1-январь кунидан қўсқа қилгани)

№	Объект номи	Қўриқлаш тури	постлар сони	Қўриқлаш вақти (соат)			Қўриқлаш у-н тул. пул миқдори (сум)		
				Иш кунлари	Дам олиш кунлари	Дам олиш кунлари	Бир ойда	Бир ойда	Бир ойда
1	«Қулбешкак» ГДТК	Саф булинмаси	1	24	24	24	730	58 304	42 561 920,00
2	"Газли газни қайта ишлаш заводи"	Саф булинмаси	6	24	24	24	730	88 469	387 494 220,00
		Саф булинмаси	1	12	12	12	365	88 469	32 291 185,00
		Саф булинмаси	1	24	24	24	730	58 304	42 561 920,00
3	"Суюлтирилган газ сақлаш омбори" (ССГ)	Харбийлаштирилган соқчиллик	4	24	24	24	730	32 252	94 175 840,00
		Дамас автотранспорти хайдовчиси		8	8	8	243	58 304	14 167 872,00
4	"Даяхатен-Саватли-Миркомил қудуқ" газоконденцат қувурлари	Саф булинмаси	1	24	24	24	730	97 173	70 936 290,00
5	"Даяхатен-Қулбешкак ГДТК" газоконденцат қувурлари	Саф булинмаси	1	24	24	24	730	97 173	70 936 290,00
6	"Қулбешкак ГДТК-Газли ГКИЗ" газоконденцат қувурлари	Саф булинмаси	2	24	24	24	730	97 173	141 872 580,00
7	"Тумарис" ГДТК	Саф булинмаси	1	24	24	24	730	58 304	42 561 920,00
8	"Янгиказган" ГДТК	Саф булинмаси	1	24	24	24	730	58 304	42 561 920,00

9	"Амиробод" нефт куйиш эстакадаси	Саф булинмаси	1	24	24	24	24	24	730	58 304	42 561 920,00
		Саф булинмаси	1	12	12	12	12	12	365	58 304	21 280 960,00
10	"Газли ГКИЗ-Кумли ГДТК" газ кувурлари	Саф булинмаси Мобил гурӯҳ	4	24	24	24	24	24	730	97 173	283 745 160,00
11	"Кумли ГДТК-Шаркийи суома кони-Чакакум кони" газ кувурлари	Саф булинмаси Мобил гурӯҳ	1	24	24	24	24	24	730	97 173	70 936 290,00
12	"Хакули-Ходжиказган кони" газ кувурлари	Саф булинмаси Мобил гурӯҳ	1	24	24	24	24	24	730	97 173	70 936 290,00
13	"Ходжиказган кони-Кулбешкак ГДТК" газ кувурлари	Саф булинмаси Мобил гурӯҳ	1	24	24	24	24	24	730	97 173	70 936 290,00
14	"Янгиқазган ГДТК-Еркин кони" газ кувурлари	Саф булинмаси Мобил гурӯҳ	1	24	24	24	24	24	730	97 173	70 936 290,00
15	"Кумли" ГДТК НУП	Саф булинмаси	1	24	24	24	24	24	730	58 304	42 561 920,00
16	"Исик суя" НУП	Саф булинмаси	1	24	24	24	24	24	730	58 304	42 561 920,00
17	"Миркомилхулук-Саватли" конларидан "Тумарис" газ кувурларидан	Саф булинмаси Мобил гурӯҳ	4	24	24	24	24	24	730	97 173	283 745 160,00
Ж А М И:											1 982 324 157,00

ЖАМИ БИР ОЙДА:

1 982 324 157,00

бир миллиард тўққиз юз саксон икки миллион уч юз кичирма тўрт минг бир юз эллик етти сўм 00 тишин.

Вилоят ҚБ бош хисобчиси:


О.Г.ЮЛИМОВ



Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Бухоро вилояти Кўриқлаш бошқармаси ва "Ўзбекнефтегаз" АЖ
 "Газли нефт ва газ казиб чиқариш" бошқармаси ўртасида тузилган "17" май 2021 йилдаги ЖШ/682-1-
 соғли шартномага алоқа №2

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси

Бухоро вилояти Кўриқлаш бошқармаси бошлиғи



Ш.А.Жумаев

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »

"Ўзбекнефтегаз" АЖ "Газли нефт ва газ казиб чиқариш"
 бошқармаси бошлиғи

[Signature]

Х.Р.Назиров

2022 йил " " "

газ" АЖ "Газли нефт ва газ казиб чиқариш" бошқармаси "Суялтирилган газ сақлаш омбори" (ССГ), ни ҳамда "Даяхатен-Саватли-
 кулук", "Даяхатен-Кулбешкак" ва "Газли газни қайта ишлаш заводи-Кулбешкак" газокондендат қувурларини ҳамда "Газли ГКИЗ-
 ДҚ", "Қумли ГДТҚ-Шарқий сўлма кони-Чаккақум кони", "Ҳаққул-Ҳоджиказган кони", "Янгиказган ГДТҚ-Ёркин кони" газ қувурларини
 кўриқлашда фойдаланиладиган транспорт воситаси

Х И С О Б - С М Е Т А С И

(2022 йилнинг 1-январь кунидан қучга қиради)

№	Объект номи	транспорт сони	Кўриқлаш вақти (соат)			Кўриқлаш у-н тул. тул. миклори (сум)
			Иш кунлари	Дам олиш олд. кунлари	Дам олиш кунлари	
1	ДАМАС автотранспорти	1	8	8	8	2 346 894
2	ВАЗ-2131 автотранспорти	8	12	12	12	67 148 320
3	ВАЗ-2131 автотранспорти	18	12	12	12	151 083 720
4	ВАЗ-2131 автотранспорти	8	12	12	12	67 148 320
Ж А М И:						287 727 254

ЖАМИ БИР ОЙДА: 287 727 254,00

Икки юз саксон етти миллион етти юз йигирма етти миң икки юз эллик тўрт сўм 00 тиийн.

Вилоят ҚБ бош ҳисобчиси: *[Signature]*

О.Ғ.ЮЛИМОВ

[Signature]

